

## «INFOLIB» – АХБОРОТ-КУТУБХОНА СОҲАСИДА ЕТАКЧИ НАШР

*Жўраев Аслиддин,  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
Нашириёт-матбаа хизмати бош мутахассиси*

*INFOLIB – информационно-библиотечный вестник выпускается с 2015 года. Вестник делится на три островные части эти Трибуна, Практика, Наследие. Каждый часть посвящен широкому кругу проблем содержания и организации деятельности библиотек как одного из важнейших социальных институтов в сфере культуры, науки, образования, информации, рассматривает вопросы библиотечного дела в социально-культурном контексте, в единстве современных проблем и истории, теории и практики, во взаимосвязях с гуманитарными науками, на фоне мировых процессов в этой области. До сегодняшнего дня в вестнике был опубликован 248 статей, из них 24 статей зарубежных авторов.*

Бугунги кунда ҳар қандай соҳа ривожини ахборот алмашинувида боғлиқ, жумладан, ахборот-кутубхона фаолияти соҳаси ҳам. Барча соҳаларда ахборотга бўлган талабнинг ортиши, улар фаолиятини ёритиш ва кенг тарғиб қилиш зарурлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Республикамизда умумдавлат ахборот-кутубхона фаолиятини амалга оширувчи муассаса эканлиги муносабати билан Миллий кутубхона ва барча ахборот-ресурс марказлари фаолиятини, бундан ташқари дунё кутубхоналари амалиётидаги илғор тажрибаларни ёритиш, таҳлил қилиш ва бунини кўп сонли ўқувчиларга етказиш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида «INFOLIB» – ахборот-кутубхона журнали ташкил қилинган.

Журналнинг ўтган икки йил давомидаги фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, нашр ўқувчиларни нафақат Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва юртимиз ахборот-кутубхоналари фаолиятини, балки хорижий кутубхоналарнинг иш жараёнини, илғор тажрибалар билан таништириб келмоқда.

Маънавий-маърифий жабҳамизга янги бир нашр бўлиб қўшилган, ўз олдига китоб, мутолаа маданияти, кутубхона ва ушбу мавзуга оид халқаро ва республика хабарларини кенг жамоатчиликка етказишдек қатта мақсадни қўйган журнал оммавий-ахборот воситалари ичида аста-секин ўз мақомига эга бўлиб бормоқда. «INFOLIB» маданай-маърифий, илмий-оммабон журнали 96 саҳифадан иборат бўлиб, йилда тўрт марта, ўзбек ва рус тилларида чоп этилмоқда.

Журналнинг мазмун-мундарижасида соҳага оид илмий, назарий ва методологик аҳамиятга эга бўлган мақолалар билан биргалликда маърифий меросимиз, архив ва музейлар фаолияти ҳамда китоб тарғиботига оид бир-бирдан қизиқарли, долзарб бўлган мақолалар нашр этилмоқда ва шу тариқа журнал камраб олган мавзу доираси кенгаймоқда.

Журнал 14 та рукндан иборат бўлиб, унда соҳа мутахассислари ҳамда китобхонлар турли долзарб ва қизиқарли янгиликлар, илмий-назарий фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашади. Журналнинг «Минбар» рукнида бугунги ахборот-кутубхона соҳаси ривожига сезиларли таъсир қиладиган мақолаларни, дунёга машҳур кутубхоналарнинг мутасадди ходимлари ва кутубхонага ташриф буюрган мартабали меҳмонларнинг китоб мутолааси ва кутубхона ҳақида билдирган фикрлари бериб борилмоқда. Журналдан мутахассисларни алоҳида қизиқтирган «Амалиёт» рукнида кутубхона фаолияти, унда кузатилаётган янгиликлар ва илғор тажрибалар, ахборот-кутубхона ходимларига юклатилган устувор вазифалар, замонавий кутубхоналар ҳамда мутахассисларнинг талаб ва таклифлари ўрганилган мақолалар ўрин олиб келмоқда. Бу юртимизнинг чекка ҳудудларида жойлашган ахборот-кутубхоналарини ривожланган кутубхоналар фаолиятидаги ютуқларни ўзлаштиришга қатта ёрдам бериб келмоқда.

Нодир ва қўлзма китобларни сақлаш, улардан илм аҳлининг фойдаланиш қоидаларини яхшилаш ва шу орқали жамоатчиликка етказиш журнал ходимларининг ҳам устувор мақсадларидан биридир. Журналнинг «Мерос» рукнида ушбу нодир нашрлар, ҳали кўпчиликка номаълум бўлган қўлзма адабиётлар, уларни ўрганиш давомида олиб борилган тадқиқот ишларидан намуналар ва соҳада

самарали меҳнат қилиб, юқори натижаларни қўлга киритган ҳамда иш тажрибаси том маънода мерос қолган фидоий кутубхоначилар ҳақидаги маълумотлар ўрин олиб келмоқда. Жумладан, Махмудхўжа Бехбудийнинг «Мутоалахона ҳар кимга очиқ бўлур...», Хондамир Қодирийнинг «Қодирий кутубхонасининг тақдири», Маъриф Салимовнинг «Самарқанднинг машҳур қоғозининг сири», Зумрад Аҳмедованинг «Кўхна музейлар тилга кирганда», профессор Юрий Столяровнинг «Библиотеки Арабского Халифата», Зевар Салимованинг «Из истории книжной культуры Бухары», Рубин Назарьяннинг «Восточные рукописи в фондах Российской Национальной библиотеки» каби бир-бирида қизиқарли мақолалар чоп этилди.

Яна бир эътиборга молик рукнларидан бири «Ушбу сон меҳмони» саҳифасидир. Бу рукн ҳам кўпчилик қизиқиб ўқийдиган рукнга айланиб улгурди. Бунда юртимиз тараккиётига катта хисса қўшган фан арбоблари, халқимиз ардоғидаги санъат ва маданият номоёндалари, таниқли ижодкорларнинг кутубхона ва китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ёритиб борилади. Жумладан, академик Азиз Қаюмовнинг «Ҳазрат Навоийнинг муносиб авлодларимиз», Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниеванинг «Эъзоз топган олима», филология фанлари доктори Умарали Норматовнинг «Китоб қадри тулпордан афзал», Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг «Кутубхоначилар бахтли одамлар», Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг «Туғилган юртим қадимий китоблар юрти», Хуршид Давроннинг «Ибратга айланган маскан», Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Аббосовнинг «Буюк авлодни кутубхоналар яратади» каби мақола ва суҳбатлар чоп этилди.

Журналнинг «Амалиёт» рукни кўпчилик мутахассисларни қизиқтириб келмоқда. Чунки айнан шу бўлимда ахборот-кутубхона фаолиятига бевосита оид бўлган Умида Тешабоеванинг «Ахборот-кутубхона муассасаларининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти», Раиса Ратнернинг «Каким должен быть дизайн школьной библиотеки», Кавкария Кадырованынг «Уникальный фонд нот-но-музыкальных изданий», Зулфия Сейниязованинг «Фарзанд тарбияси китобларда», Адхамжон Усмоновнинг «Ўзбекистонда архив ишининг истикболлари», Камола Нишонованинг «Музейлар

қошида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш масалалари», каби мақолалар чоп этилган.

Шунингдек, МДХ ва хорижий мамлакатлар етакчи кутубхоналарининг бой тажрибаси, у ерда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг фойдаланувчиларга замонавий хизмат кўрсатиш методлари, соҳага янги ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш усуллари ҳақида хорижий мутахассисларнинг мақолалари журналнинг ҳар бир сонидан бериб борилади. Бу, айниқса, юртимиздаги ахборот-кутубхона мутахассисларининг улар фаолияти ва бой тажрибалари билан бевосита танишиш имкониятини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Чехия Миллий кутубхонасидан Адольф Кноллнинг «Новые возможности сотрудничества Чешских библиотек в цифровом пространстве», Зденек Васекнинг «Чешская реализация URN: NBN системы», Латвия Миллий кутубхонасидан Дзинтра Муканенинг «Латвийская Национальная библиотека – центр поддержки издателей, новые услуги для целевых групп», Санкт-Петербург давлат маданият кутубхонасидан Марина Колесникованинг «Обучения бакалавров библиотечно-информационной деятельности основам библиотечного дизайна» каби кўплаб хорижий мутахассисларнинг мақолалари ўрин олган.

Бундан ташқари журналда ҳар йили кенг миқёсда ўтказиладиган «Central Asia: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни» Халқаро конференцияси ҳамда «INFOLIB» Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги» янгиликлари журнал саҳифаларида кенг миқёсда ёритиб борилмоқда.

Кейинги йилларда журналдан юртимизда архив ва музей ҳодимларининг иш-тажрибалари ҳам ўрин олиб келмоқда ва натижада журналнинг ҳар бир сонидан ушбу соҳага оид бир-бирдан аҳамиятли бўлган мақолалар чоп этилган. Халқимизнинг турли хил ахборот олишга бўлган талабига зарурий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Албатта, бундан кенг ўқувчилар талаби ҳам эътиборга олинган.

Журнал чоп этилган кундан бошлаб шу кунгача 250 та мақола ўқувчиларга ҳавола этилди. Шулардан 24 таси эса хорижий муаллифларга тегишли эканлини «INFOLIB» журналининг халқаро миқёсда ҳам ўрни ошиб бораётганидан далолат беради.